

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил

1 сентябрь

ШАНБА

№ 69-70

(12.497-98)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БИР ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун биз мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа – Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йиғирма бир йиллигини нишонламоқдамиз.

Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, ориқиби кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам бўлмиш Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбидан табриклаш мен учун катта бахтдир.

Мен ушундан – асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзликимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуг айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак.

Қадрли юртдошларим!
Ўз-ўзидан аёнки, кишлоқ тарихида, дунё харитасида давлатлар шаклланишида йиғирма бир йил жуда қисқа муддатдир. Лекин Ўзбекистонимиз шу давр мобайнида, ҳеч шубҳасиз, юз йилларга тенг бўлган масофани босиб ўтди.

Биз эски мустабид тузум, унинг асоратлари ва мафкурасидан бутунлай воз кечиб, тобелик ва қарамлик даврига барҳам бериб, кечаги ночор, ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, халқининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаган, тез ва барқарор суруятлар билан ўсиб бораётган мустақил ва суверен давлатлар қаторига кўтарилганимизни яққол намойён этмоқдамиз.

Утган давр мобайнида биз олдимизга қўйган буюк вазифа – замонавий ривожланган демократик давлатлар сафига кириш, фуқаролик жамияти барпо этиш, ҳаётимизни, иқтисодиётимизни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан кўлга киритган ютуқ ва юксак марраларимизнинг халқро майдонда эътироф этилаётганини, Ватанимиз салоҳияти, моддий, иқтисодий ва интеллектуал куч-қудратимиз тобора ошиб, шаҳар ва кишлоқларимизнинг қиёфаси ва чехраси ўзгариб, очилиб бораётганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

Кўпчиликини ҳайратда қолдираётган бундай ҳақиқатни тасдиқлаб берадиган кўпгина рақам ва маълумотларни келтириш қийин эмас.

Шулар қаторида истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 3,7 баробар, аҳолисининг реал даромадлари жон бошига 7 баробар, ўртача пенсия миқдори қарийб 9 баробар, ойлик иш ҳақи эса 18 баробар ошгани, одамларимизнинг умр кўриш даражаси ўртача 7 йилга ўзайгани, ёқилғи ва газга мустақиллигига, ўзимизни ўзимиз гўш, сут ва бошқа истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз буларнинг яққол тасдиғидир.

Буларнинг барчаси аввало мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган принципини ҳаётга таъбиқ этганимизнинг амалии самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Утган йиллар мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсатки-

чи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш шундан амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижаси деб қабул қиламиз.

Бундан йиғирма бир йил олдин ҳар ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий машинага эга бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжуд экани, ҳар уч нафар юртдошимиздан бири интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ортиб бораётгани, унинг эмин-эркин яшаётганини намойён этади.

Шу борада яна бир мисол келтириш ўринлидир.

Бугун барча давлатларни катта ташвишга солаётган, ҳали-бери давом этаётган, жаҳон миқёсида энг долзарб, энг оғир масала бўлиб турган молиявий-иқтисодий инқирозни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон охириги етти йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8-8,5 фоиз иқтисодий ўсishга эришаётгани мамлакатимиз салоҳияти барқарор ривожланиб бораётганининг яққол далилидир.

Барчамиз Ватанимизни равақ топтириш йўлида эришган марраларимизни дастлабки қадамлар сифатида қабул қилиб, бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз даркор.

Бугун шиддат билан тез ўзгараётган глобаллашув даврининг кескин талабларига, дунё бозорида тобора кучайиб бораётган шафқатсиз рақобат курашига бардош бера оладиган, фақат қатъиятлик билан олдинга интилаётган, ўзининг узоқни кўзлаган тараққиёт стратегиясига эга бўлган давлатга ривожланишнинг катта йўлида ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Замоннинг ўзи ўртага қўяётган айтиш шундай ўткир талабларни инобатга олган ҳолда, бизнинг олдимизда турган энг устувор вазифамиз – бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, мамлакатимизни янгиллаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, жараёнларини янги босқичга кўтариш, ҳаётимизнинг даражаси ва сифатини янада юксалтиришдир.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлиши тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги меҳр-оқибат, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликини кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳамisha эътиборимизга марказида туриши лозимлигини асло унутмаслигимиз керак.

Бугунги нотинч ва мураккаб замон, яқин ва узоқ ён-атрофимизда, минтақамизда кўлдан бўён давом этаётган низо ва қарама-қаршилиқ, тобора кескинлашиб бораётган вазият бизнинг доимо оғоҳ, доимо ҳушёр, сергак ва сезгир бўлиб яшашимизни, ҳафсизлигимизга таҳдид солаётган ҳар қандай бало-қазонинг олдини олишимизни талаб этмоқда.

Мустақил тараққиёт йўлида амалга оширган, онгу шууримизни, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган ишларимизга баҳо бера эканмиз, биз эришган ютуқ ва марраларни қўлга киритиш осон бўлмаганини таъкидлашимиз ўринлидир.

Бу йўлда эл-юртимиз қандай мураккаб ва таҳликали синов, тўсиқ ва ғовларни енгишда турли ёвуз ва зўравон ҳаракатлар олдида бош эг-

масдан, ўз эътиқодидан қайтмасдан келгани, аввало ўзининг меҳнатсеварлиги, мардлиги ва матонати ҳисобидан бугунги ёруғ кунларга етиб келганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Ҳозирги кунларда ҳам бизнинг танлаган йўлимизга шубҳа туғдириш, кечаги даврни кўрмаган, тажрибаси етарли бўлмаган ёшларни йўлдан оздиришга, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга, бизни яна эски қолип ва тобеликка қайтаришга уринадиган кучлар ва ҳаракатлар кам эмас.

Лекин бу кучлар бир ҳақиқатни англаб олиши керак. Бугун биз кечаги – 90-йиллардаги ўта содда, ҳеч қандай сиёсий тажрибага эга бўлмаган одамлар эмасмиз.

Биз бугун мустақиллик йилларида катта қийинчилик ва синовларда тобланган, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ижтимоий фалонлиги ўсиб бораётган, ўзбеконанинг навқирон авлодимиз порлоқ келажагимизга катта ишонч билан қарайди ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон – мен тақдор айтаман – ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамқадм бўлиб, узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, чет эл инвестицияларини ва энг замонавий технологияларни олиб келиш мақсадида юртимизда қўлай иқлим ва имтиёзли шароитларни янада кенгайтириш, бизга хайрихоҳ бўлган давлатлар билан шериклик муносабатларини янги босқичга кўтариш – буларнинг барчаси доимо диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда ҳам бўлган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқро ташкилотларнинг вакиллари, барча меҳмонларимизга бугунги тантанамизда байрам қувончини биз билан баҳам кўраётганлари учун сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Бугунги шуқуҳли дамларда бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз бўлиш ёшларимизга қарата айтмоқчиман:

Қадрли фарзандларим, ҳеч қачон унутманг:

Сиз кимнинг, қандай улуг зотларнинг авлодсиз!

Сиз қандай ноёб ва бетакрор мерос ворисларисиз!

Ўз куч-ғайратингиз, билим ва қобилиятингизга, буюк Ватанимиз қудратига суяниб, маррани баянд олдинг, азиз болаларим!

Сизнинг эришадиган ҳар бир ғалабангиз – юртимиз ғалабаси, Ўзбекистон ғалабасидир!

Азизларим, қадрдонларим! Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, сизларга сийҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Бугун мана шундай ёруғ кунларга етказган, эзгу ишларимизда ўзи мададкор бўлган Яратганимизга шукроналар айтаемиз.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Халқимиз Ватанимиз давлат мустақиллигининг йиғирма бир йиллигини катта кўтаринчилик билан байрам қилмоқда. Бу буюк сана юртдошларимиз қалбига беимисл фахр-ифтихор, сурур бағишлайди. Жорий йилда энг улуг, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда.

2012 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гўзал, шуқуҳли, салобатли. Миллий боғ, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона либосда. Улар юртимиз мустақиллигининг йиғирма бир йиллиги, эркин ва обод Ватанимизни шарафлайдиган ҳамда Мустаҳкам оила йиллиги бағишланган бадиий паннолар билан безатил-

ган. Давлатимизнинг мағмур хилпираётган байроғи ранго-ранг чироқлар ёғдусига безанган ям-яшил арчалар, мажнунтоллар билан уйғунлашиб атрофга ажиб тароват таратади, дилларга масрурлик бахш этади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуъалланаётган рамзий миноралар салобат тўкиб турган муаззам майдон томон ошқайди.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илгорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари таъриф буюрган.

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг

нилий гўмбазларидан нур ёғилиб турган маҳобатли ҳайкали улкан мажмуага янада улғворлик бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам, ул буюк зотнинг муқаддас руҳи ва беазир шеърини эзгу ва хайрли ишларимизда ҳамisha ҳамнафас ва мададкор бўлиб келмоқда.

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ёр ўлинг бир-бирингизга ки, эрур ёрлиг иш. Бобокалонимизнинг инсонга чексиз муҳаббат билан тўлиб-тошган бу каби фалсафий ўғитлари маънавий меросимизнинг бебаҳо хазинаси бўлиб, наинки халқимиз, балки башарият учун ҳам буюк ҳикматдир. Зотан, улуг мутафаккир бобомиз айнан "олам

аҳли" деб мурожаат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1991 йил Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди, буюк бобомизнинг 550 йиллик таваллуди кенг нишонланди. Мустақиллигимиз эълон қилинганидан кейин санокли кунлардан сўнг, яъни, 1991 йил 28 сентябрь куни пойтахтимизда Алишер Навоийнинг улугвор хайкали қад ростлади.

Бу юртимизда амалга оширилаётган беқиёс янгиланишлар ва бунёдкорлик ишларининг дебочаси бўлди. Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, халқимиз тарихида қўтлуғ келди.

(Давоми 2-бетда).

Сарвар УРМОНОВ, (ЎЗА) олган сурат.

ТЎЙЛАРИ ЯРАШГАН ЮРТ БУ

Тирикликнинг бебаҳо бир ҳикмати бор: озо, эркин, беэвол ҳаёт ва бу йўлда ҳеч қандай тазйиқларсиз, бежавотир олға интилиш. Таъбир жоиз бўлса, 21 йилдирки, бу ҳикматнинг маъзини қақи, таъмини тотиб келаямиз. Яратганга шукр, истиқлол берган ҳурлик ёдусидан чехралар гулгун, қалблар чароғон.



Мустақиллик неъматлари бағрини яшнатган она диёмимиз бугун яна адоқсиз шодиёналар оғушида. Бепоян юртимиз сарҳадлари бўйлаб Озодлик, Тенглик, Хурлик навалари янграмоқда. Унинг садолари узоқ-яқиндаги дўсту биродарларимиз қалбига

меҳр-оқибат, ҳавасу иштиёқ туйғуларини бахш этмоқда.

Мустақил Ўзбекистон дея аталган забардаст бир чирнорининг мустаҳкам илдиэларидан бири – Тошкент вилоятида ҳам байрам шодиёналари авж паллада. Вилоят маданият саройи бугун ҳар

доимгидан гўзал, файз-тароватли. Ям-яшил майсалар, анвои гуллар, роҳатбахш фавворалар, миллий ҳунармандчилик анъаналари акс этиб турган нақшинкор арк, хотира ёдгорлиги бу ажиб масканнинг хуснига хусн қўшиб турибди. "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" каби сўзлар нафақат панноларда, балки ҳар бир байрам иштирокчисининг юрагига акс садо бераётгандек. Бу ерга мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол

иштирок этаётган вилоятимизнинг олимۇ фузалолари, бунёдкор ёшлари, ишчи ва хизматчилар, илм-фан, маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, тадбиркор фермерлар, маҳаллалар фаоллари, ижодкорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари таъриф буюришган. Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг қадрли меҳмонларини дастлаб вилоят ҳокими Рустам Холматов қўлаб, шундай деди:

(Давоми 2-бетда).

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Унутилмас сана бўлиб қолди. Шу боис Мустақиллик ва Наврўз байрамларининг асосий тантаналарини мазкур богда нишонлаш чуқур рамзий маънога эга. Халқимизнинг катта байрамлари шу ердан бошланиб, бутун мамлакатимиз бўйлаб ёйилади.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримовни қарсақлар билан қутиб оладилар.

Чорлов мусикаси байрам шодонлиги бошланаётганидан дарак беради.

Президент Ислон Каримов минбарга тақлиф этилади. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муваққабод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат маҳияси ижро этилади. Байрам ахли ҳурриятимизнинг муаззам қўшиғига жўр бўлади, минг-минглаб қалблардан отилиб чиқаётган садолар бутун оламга таралади. Энг улуг, энг азиз байрамимизни эъланлар ортқи мамлакат аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилади, интернет орқали дунёнинг барча ҳудудларига кириб боради.

Майдоннинг икки томонида ўрнатилган йирик экранларда маҳдумимиз садоларига ҳамоҳанг мустақил Ўзбекистоннинг зафарли одимлари, истиқлол йилларида давлат этилган жанг иншоотлар, амалга оширилган йирик лойиҳалар, тобора кўроқ очиб бораётган шахар ва қишлоқларимиз, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилаётган фидойи юртдошларимизнинг ҳаёти, мамлакатимиз ёшларининг турли соҳаларда эришяётган ютуқларини акс эттирувчи видеотасвирлар намойиш этилади.

Халқимизнинг эзгулиги йўлидаги интилишлари, унинг дарди, орзу ва ихтиллари, аънава ва қадриятларини ифода этадиган "Мангу бўстон" қўшиғи янграб, Ўзбекистон замининда энг улуг, энг азиз байрам бошланаётганидан далолат беради.

Бундан илгирима бир йил олдин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислох этиш, халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатини амалга ошириш бўйича танлаган йўлимиз ягона тўғри қарор эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқламоқда.

Бунини юртимизда яшяётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари ҳаёти, шахар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиб, обод бўлиб, одамларимизнинг тафаккури, дунёқараши ўзгаргани, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганини мисолида яққол қўриш мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихини билишдан бошланади. Ўз тарихи, аънавалари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдизларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

"Истиқлол очган ҳазина". Байрам дастурининг ушбу бўлими "Ўзбекистонда" қўшиғи билан бошланади. Ватанимизнинг мафтункор таровати, азалии шону шухрати баланд оҳангларида қуйланган мазкур ашула гўё тантана иштирокчилари, бутун халқимиз қалбидида, юрагидида туйғулари ни ифода этгандек бўлади.

...Юракларни сел-симоб қилиб навосоз элимиз навалари янграйди. Жон қуши сайроғига ҳамоҳанг кўна наво садоси руҳиятга қувват, садо бахш этади. Азал-азалдан эзгулик, одамийлик, меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат каби олижаноб туйғуллар тараннум этилган мумтоз ашуларлар, жозибали рақслар байрамимизда иштирок этаётган хорихлик

дўсту ҳамкорларимизни ҳам тўлқинлантириб юборади. Ана шундай паллаларда мусиқанинг сеҳрли кучи ва оҳанрабосини янада чуқурроқ ҳис этади инсон...

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган туб ўзгаришлар ва ислохотлар ўзининг тарихий асосларига эга. Бошқача айтганда, ажодларимиз қолдирган бой мерос бугунги авлодлар салоҳияти билан янги-маъно-маъмур касб этмоқда, янада бойиқмоқда.

Бунёдкорлик ва ободлик мустақиллик тўлуқчаси ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Истиқлолимизнинг йигирма биринчи йилида пойтахтимизда давлатимиз раҳбари Ислон Каримов гоёси ва ташаббуси асосида бунёд этилган яна бир улугвор кошоно фойдаланишга топширилди. Замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан жиҳозланган, юртимиз ёшларига миллий ва хорижий ахборот-қутубхона фондларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройини ўз ичига олган Маърифат маркази миллий маънавиятимизни юксалтиришга қаратилган катта эътиборнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлиб.

Халқимиз миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига содиқ, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг узвий бир қисми сифатида ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда миллий ва мумтоз мусиқа меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган етук мусиқа асарлари яратиш борабариди жаҳон классик санъатини ўрганиш, бу йўналишда етук ижрочиларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

...Оҳанглири эзгулик нишонлари бўлиб, байрам сахнасида жаҳон классик санъатининг дурдоналари янграйди...

Бугун мамлакатимизда кенг қулоқ ёйган бунёдкорлик ишлари юртимизнинг ҳамма ҳудудларини, ҳар бир шахар ва қишлоқни қамраб олган. Бундай улкан ўзгаришларни кўрган кишининг кўнгли юксалади. Юртимизнинг барча жойларида барпо этилаётган маданий-маърифий иншоотлар, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт муассасалари, санъат саройлари, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари, дам олиш ва хордик масканлари одамларимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда 2012 йилнинг биринчи ярмида қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати 8,6 фоизни ташкил этди. Шу вақт мобайнида маҳаллий ҳомаёш ва компанентлардан фойдаланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 101 янги корхона ишга туширилди. Айни пайтда замонавий аэропортлар, темир йўл вокзаллари, шохбеклар, магистрал йўллар, пўлат излар, кичик ва катта ҳалқа йўллари, замонавий кўприklar ва йўл-транспортлар барпо этиш, ичимлик суви, иситиш, электр энергияси тизимлари, каналлаш ва қишлоқларимизнинг қишлоқ тармоқлари каби муҳим инфраструктура объектларини қуриш борасида улкан ҳажмидаги ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг янада чирой очили юртдошларимиз қалбидида гурур ва ифтихор, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғулари кучайтирмоқда. Халқимиз мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқда, – дейди байрам тадбири иштирокчиси, самарқандлик шифокор Курокбой Синдоров. – Истиқлол йиллари Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ана шу эзгу мақсад йўлида

қўлга киритилган улкан ютуқлар, бетимсол ишлар билан бугун ҳар қанча фахрлансак арзийди. Яқинда хизмат юзасидан водийда бўлдим. Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона шаҳарларидаги ўзгаришларни, ободлик ва гўзалликни кўриб, кўнглим тоғдек қорлик салоҳиятини кўраимиз. Тинч, обод ва фаровон юртда яшяётганимиздан фахрланамиз. Юртимиз жамолидаги ўзгаришлар, шаҳарлар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий уйлар ҳудудларимиз кўрғига жўр бўлиб, одамларнинг ҳаётини розилигининг ифодасига айланмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар, нуфузли халқаро молия институтлари, етакчи экспорт ва таҳлилчилар томонидан эътироф этилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" ўзининг нақадар ҳаётбахш, буюк келажакимизга йўналтирилган концепция эканини тўла исботлади. Ўзбекистоннинг бугунги қудрати ва салоҳияти, халқаро майдонда тобора ортиб бораётган обрўни эътибори, мамлакатимиз жаҳоннинг қўллаб-даватларини оғир аҳволга солиб қўйган иқтисодий танглик шариатида ҳам барқарор юксалиб бораётгани мазкур концепциянинг чинакам тарихий аҳамиятга эга эканидан далolat беради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва иқтисодий қарши чоралар дастури самарадорлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, Халқаро валюта жамғармасининг 2011 йил ноябрь ойида мамлакатимизда бўлган миссияси баёнотида Ўзбекистон изчил ўсишга эришганига ва глобал молиявий инқирозга қарши муваффақиятли чоралар қураётганини қайд этилган, шунингдек, ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолиши ҳақида ижобий прогноз билдирилган.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган тарқибий қайта ўзгаришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган ҳамда диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарни ташкил этиш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган ислохотлар иқтисодийнинг барқарор ва мувозаанатлашган ҳолда тараққий этириш имконини бермоқда.

2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда яли ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди.

Молия-банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қўллаб-қўллаш комплекс чора-тадбирлар барка тизими капиталли етарлилик даражасининг юқори кўрсаткичлари сақланиб қолинишини ҳамда кредитлаш қўлими кенгайтирилишини таъминламоқда. 2012 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк тизими ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестиция фаоллигини кучайтириш доирасида банк тизимининг жами капиталли 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 24,2 фоизга, уларнинг жами активлари 30,3 фоизга, миқдорларининг банкдаги жалб этилган депозитлари 30,5 фоизга ошган. Ўзбекистон тижорат банкларининг барқарор ва ижобий ривожланиш прогнози етак

чи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантиришга катта эътибор кўрсатишмоқда. Ички бозоримизни рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолимизни, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг турмуш фаровонлигини оширишда мазкур соҳа энг муҳим омиллардан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 ва 18 июль кунлари қабул қилинган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинликлар бериш ҳамда статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартиришга доир фармонлари бу борада янада кенг ва янги имкониятлар очди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 7,6 фоизга кўпайди ва 531 янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар тузилмасида тўғридан-тўғри инвестициялар улуши 80 фоиздан ортқини ташкил этди.

... "Ватан". Муаззам майдон узра янграган қўшиқ уни тинглаётган ҳар бир қалбнинг туб-тубига таъкид беради. Жаннатмонанд Ўзбекистон фарзанди, қандай буюк зотларнинг авлодлари эканимиздан гурур ва ифтихор туюлмиш. Эл-юртимиз тинч ва осойишта. Ойиларимиз мустаҳкам. Фарзандларимиз соғ-саломат кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳассам.

Баркамол авлод – халқимизнинг энг олий орзуси. Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакини қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳассам.

Баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий омилларидан бўлиши она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она – соғлом бола" гоёси асосида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга қалинлиш мумкин бўлган ҳолатларни қамайтириш мақсадида турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш тизими жорий этилган. Барча қишлоқларимизда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда икки ёшча бўлган барча болаларни бепул эмлаш йўлга қўйилган, бу, ўз навбатида дифтерия, қоқшол, полиомелиит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ қамайди. Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида эришяётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. ...Боғу бўстонимиз эгалари ижросида мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлиши

Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик жадал ривожланмоқда.

Жаҳонда озик-овқат маҳсулотлари тақчиллиги ва улар нархининг ўсаяётгани қузатилаётган бир шариоатда бундай юксак натижага бир мисолида фаровонлик сари дадил одимлаётган меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти намоян бўлади.

...Майдонга бахти қулган болаларимиз кириб келади – атрофини уларнинг шўх-шодон қийқириқлари тўтиб қетади. Бу дунёда бола қийқиригидан кўра жозибалироқ овоз борми?! Болалар яйраса, кўнглил яйрайди, болалар қулганда, олам қулади. "Янги авлод", "Томоша", "Тантана", "Севинч", "Ором" болалар бадийи жамоалари ижросида ўғил-қизларимизнинг орзу-интилишлари, шўхлик ва эркакликлар, болаликнинг беғубор оламини ифода этадиган қуйиқўш ва рақслар намойиш этилади. Озод дийримизда ҳеч кимдан кам бўлмай воғая этаётган, тараққий толган давлатлардаги тенгдошлари билан ҳар томонлама беллашувга тайёр баркамол авлод, улар эришяётган улкан муваффақиятлар тараннум этилган ашула ва рақслардан диллар яйрайди...

Баркамол авлод – халқимизнинг энг олий орзуси. Президентимиз таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакини қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳассам.

Баркамол авлодни тарбиялашнинг асосий омилларидан бўлиши она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, хусусан болалар ва хотин-қизлар спортини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она – соғлом бола" гоёси асосида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, соғлом оилани шакллантириш ва ирсий касалликларга қалинлиш мумкин бўлган ҳолатларни қамайтириш мақсадида турмуш қураётган шахсларни никоҳдан олдин мажбурий тиббий қўриқдан ўтказиш тизими жорий этилган. Барча қишлоқларимизда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджетли маблаглари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда.

Мамлакатимизда икки ёшча бўлган барча болаларни бепул эмлаш йўлга қўйилган, бу, ўз навбатида дифтерия, қоқшол, полиомелиит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Кенг қўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ўтган йиллар давомида оналар ва гўдаклар ўлими уч баробардан кўпроқ қамайди. Ўзбекистон 2011 йилда "Болаларни асрайлик" халқаро ташкилоти томонидан тузилган 161 мамлакатдан иборат жаҳон рейтингига ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатилаётган давлатлар орасида 9-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида эришяётган ютуқлар жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

...Боғу бўстонимиз эгалари ижросида мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлиши

оила мустаҳкамлиги, унга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик тўғрисида "Мустаҳкам оила" қўшиғи янграйди...

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2012 йил юртимизда Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган. Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк йилларидан миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам қургони – оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ижтимоий ҳимоя қилишга, фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

"Мустаҳкам оила йили" Давлатимизда турмуш доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни қучайтириш, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Бу ёру дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамдод ҳаммиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди", деган сўзлари замирида миллий гоёмизнинг бош мақсадларидан бири – баркамол авлодни қамолга етказиш орзуси муҳассам.

Маълумки, ҳар йили илк бор мактаб остонасига қадам қўядиган кичкинтойларга аънавий равишда Президент совғаси – мактаб сумкаси, дарсликлар ва ўқув қуроллари тўплами тақдим этилади. Мазкур совға давлатимиз раҳбарининг юртимиздаги ҳар бир болага оталарча меҳр ва эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида фарзандларимиз хотирасида умрбод сақланиб қолади. Хорид йўлда мамлакатимиз бўйича беш юз минг нафардан зиёд бола биринчи синфга қадам қўяди. Болалар ашула ва рақс гуруҳи ижросидаги "Совға" қўшиғи ва мусикий композициясида ана шундай болаларнинг қувонч ва миннатдорлик туйғулари ўз ифодасини топади.

Баркамол авлод қамолотида таълим-тарбия алоҳида ўрин тутади. Пойтахтимизда шу йил февраль ойида бўлиб ўтган "Юксак билимми ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимми ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бериб, уни дунё мамлакатлари учун намуна сифатида кўрсатди. Баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида Ватанимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар жаҳонда кенг эътироф этилаётган халқимизга катта гурур ва ифтихор бағишламоқда.

Киндик қонимиз томган шу муқаддас тупроқни она Ватан дея атайимиз. Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Мустақиллик ва эзгулик монументи", "Мотамсаро она", "Ватанга қасамд" мажмуаларида она сиймолари – Ватан тимсоли ўз аксини толган. Байрам томошаси дастуридан ўрин олган "Она тимсолида азиз Ватан Ватан!" бадийи композициясида бу маъно-маъмур чуқур ифодаб берилди.

Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётида мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда бир ўз ўттиздан зиёд миллат ва элат вақиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва иноқликда

ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг тили, урф-одат ва аънавларини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. 2012 йилда мамлакатимиздаги қўллаб-қувватлаш марказлари фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бериб келаётган Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллиги кенг нишонланди.

...Майдонга ҳарбий мусиқа садолари остида озод Ватанимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади...

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Қуролли Қучларимиз Олий Бош Қўмондонини Ислон Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз ҳаётидаги ва барқарорлигини таъминлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қафолати бўлган замонавий Қуролли Қучларини шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ислон Каримов Ўзбекистон Қуролли Қучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини да бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, олдинда турган долларб вазибаларни белгилаб берди.

Ватан шаъни, гурури ҳақида сўз кетганда она юртини ҳимоя қилиш энг муқаддас бурч эканини ҳар бир ўғил-қиз юракдан ҳис этаётгани барчамизни қувонтиради. Ҳарбийлар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, Ўзбекистон Қуролли Қучлари ансамбллари ижросида ана шу туйғуллар тараннум этилади. "Бу Ватан манимдир", "Сиз менинг посбонимсиз" каби қўшиқлар тантанавор оҳангларида янграйди.

2012 йилда мамлакатимиз тарихидаги яна бир қутлуг сана – Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Юртимизда мустақил, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий соҳалардаги тараққиётимиз, юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини юксалтириш борасидаги ютуқларимизнинг бош омили эканлигини дахлдорларимиз билан.

...Байрам тантанаси янада қизийди: эркин ва обод Ватани мадҳ этувчи қўшиқлар ва рақсларда обод Ватанда яшаш заъки, ёш авлод қалби ва тафаккурда жўш ураётган бунёдкорлик иштиги, шу заминда тугилиб қамол топиб бахтидан масрурлик хислари жўш уради...

Эркин ва обод Ўзбекистон – бизнинг тақдиримиз ва бахтимиз. Бу жаннатмонанд дийр васфини севиб қўйламоқ – саодат. Майдон узра таралаётган қуй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севи, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи қўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, ажодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, бекийи имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида асло учмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самога сочилган ранг-баранг мушаклар қалблардаги гурур ва ҳажжон туйғулари тоширади.

Кўнглиларда энг эзгу, энг буюк ниятлар тугён уради:

– Мустақиллик байрамнинг муворақ бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!

– Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ БАРҲАЁТ

Мустақиллик шарофати билан миллатимиз, халқимиз шайин, қадр-қиммати, ғурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятлари қайта тикланди. Мустабид тузумнинг турли давларида қатагон қилинган, қатл этилган юзлаб юртдошларимиз, Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотираси абадийлаштирилди, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Бундай савобли ва хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳрида бунёд этилган "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига қўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундай муътабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадимжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўқилиш ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга аниқлаштириш, уларнинг қалби ва онига миллий истиқлол ғоясини янада чуқурроқ синдиришга хизмат қилаётган маънавият ва маърифат ўчоқларидир.

2012 йил 31 август тонги. Қатагон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аجدодларимизни хотирлаш маросими ўтказилди. Қурбон тиловат қилиниб, қатагон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди. Аъёнага кўра ош тортилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Ўтганлар хотираси муқаддас. Бугунги нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз ҳаётини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хотирасини ёд этар эканмиз эзгулик аталмиш қудратли кўчининг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз. Шахид кетган ватандошларимизни эслар эканмиз, улар орзу қилган, улар учун бир умрлик армон бўлиб қолган, бугунги авлодларга насиб этган эркин, обод ва фаровон ҳаётнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ аниқлаш.

Тарихини билмаган, ўзлигини англамаган халқнинг келажаги йўқ. Шу боис мустақиллигимизни кўз қорачиғидан асраш, мустақамлаш, Ватанга садоқат сингари муқаддас

Мустақиллик байрами олдидан бугунги саодатли кунларга етишимиз, Ватан озодлиги, юрт тараққиёти йўлида жонини фидо қилган аждодларимизни хотирлаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш эзгу амаллардандир. Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йилдан бундан 31 август Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

доирасида чегараланиб қолмайди, вақтида барта-раф этилмаса, тобора кучайиб, бошқа мамлакат ва минтақаларга ҳам ёйилиши мумкин. Шунинг учун дунёда бўлаётган воқеа ва ҳодисалардан ҳаммиша огоҳ бўлиш, она Ватани-ша огоҳ авлодни ҳеч ким енголмайди. Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган бундай навқирон авлодга четдан ҳеч ким ўз таъсирини ўтказолмайди.

Шу маънода "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида бунёд этилган "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи юртдошларимизни, айниқса, навқирон авлодни тарихимизни яхши ўрганиш ва ундан сабоқ чиқариб, мана шундай дорилмон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга ундовчи масканлардан биридир. Музейдаги экспонатлар мунтазам равишда янгиланиб, унинг хазинаси ўша давр руҳини акс эттирадиган буюм, жиҳоз ва маълумотлар билан бойитиб бориладими. Бу ерда мустабид тузумнинг шохиди бўлган кекса авлод вақиллари билан учрашувлар, тарих, маънавият дарсларини ўтказиш яхши аъёнага айланган.

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вақиллари билан суҳбатда тарихий хотира, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқлар, эл-юртимиз ҳаёти, одамларимиз турмуш тарзи, онгу тафаккурида рўй берган ўзгаришлар, жаҳондаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият тўғрисида суҳбатлашди.

Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида, хусусан, араб мамлакатларида содир бўлаётган ноҳус воқеалар ҳар қандай соғлом фикрли инсонларни чуқур ташвишга солади, деди давлатимиз раҳбари. Турли можаролар, ўзаро қарама-қаршиликлар, қон тўкилишлар жаҳоннинг қайси мамлакатларида рўй бермасин, бундан кўнглимиз гаш тортади.

Дилни хира қиладиган бундай воқеалар биздан узокда, деб унга лоқайд қараш хомхаёлликдир. Нега деганда, бундай бало бир мамлакат ёки минтақа

нинг ҳам ўрни ва аҳамияти катта бўлмоғи зарур. Шунинг билан 15-20 йил олдингиларидан жиддий фарқ қилади. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қошида ташкил этилган ўқув маркази бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун дин вақиллари ҳам юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаб, ён-атрофда содир бўлаётган воқеалардан доим хабардор, огоҳ бўлиб бормоқда.

Шу азиз Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш, салоҳиятини янада юксалтириш барчамизнинг, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган улкан марралар, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги тўғрисида айнан мана шу ерда, Ватанимиз озодлиги, халқимиз эркинлигини орзу қилган ва шу йўлда ўз ҳаётини қурбон қилган улуг аждодларимизнинг хотираси шарафига барпо этилган ушбу мажмуада юксак ғурур ва ифтихор билан гапирётганимиз чуқур рамзий маънога эга, деди пировардида Ислам Каримов. Бу билан буюк аждодларимизга миннатдор авлодлар сифатида, сизларнинг энг олий, энг эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошди, мустақил Ватанимиз тобора юксалиб, ривожланиб бормоқда, авлодларингиз ўз юртининг ҳақиқий эгаси бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, деймиз.

Шу куни Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рами бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазириликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

Ў.А.

«TOSHKENTGAZTA MINOT»

унитар корхонаси

Ўзбекистон халқини

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
21 ЙИЛЛИГИ

билан самимий қутлайди.

Мана шундай улуг ва файзли кунларда
мустақиллигимизни мустақамлаш ва
бунёдкорлик йўлида ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган юртдошларимизга
куч-қувват, сиҳат-саломатлик,
улкан зафарлар ёр бўлсин!

ТАЛАБАЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Мустақиллик байрами арафасида Охангарон туманида яшовчи ногирон талабалар Д. Черчесова билан У. Турдиева ҳамда Бекобод туманида яшовчи талаба М. Кодировнинг мушкуллари осон бўлди.

Жўрабек МУРОДОВ.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА СОВФАЛАРИМИЗ

Байрамларни муносиб нишонлаш халқимизнинг азалий одати. Шаҳар ва қишлоқларимизда Мустақилликнинг 21 йиллиги шоду хуррамлик, катта ҳозирликлар билан қутиб олинди. Қуйида Зангиота тумани қишлоқларида энг азиз, энг муқаддас байрам қандай қутиб олингани ҳақидаги дил сўзларини ўқийсиз.

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИК

Дилором МИРЗАБОВЕВА,
туман "Тадбиркор аёл"
уюшмаси раиси:

— Мустақилликнинг 21 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг 7 тадбиркор аёли қатори мен ҳам Туркияда ўтган "Истамбул мода" конференциясида қатнашдим. Турли мамлакатлардан келган иштирокчилар билан учрашиб, кўзга кўринган корхоналарда тикилган кийим-кечаклар, энг янги технологиялар билан танишдик. Ип йиғиришдан кийим тайёр бўлгунга қадар кечадиган жараёнларни кузатиш, ўзаро тажриба алмашиш. Шу аснода мустақиллик туфайли жаҳонга юз тутганимиз, дунёни кўраётганимиз учун қалбимизда чуқур ифтихор туйғусини ҳис этдим.

Кузатувлар жараёнида шунга ишонч ҳосил қилдикки, мамлакатимиз чеварлари яратётган модалар, тикаётган кийимлар хорижикидан асло қолишмайди, балки ортиқ ҳам. Бугун туманимиздаги ўнлаб тикувчилик корхоналарида сифатли, рақобатбардош кийим-кечаклар тикиляпти. Уларга қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта.

Туманимизда тадбиркор аёллар кўпайиб бораётипти. Улар мустақиллик неъматларидан фойдаланиб, иқтисод ва салоҳиятларини тобора тўлароқ ишга солмоқдалар. Бугун уюшмамизга аъзо бўлган аёллар 100 кишидан ошди. Уларнинг кўпчилиги имтиёзли кредитлар олиб, мустақам оёққа туриб олишяпти. Ойсайин 5-6 аёл уюшмамизга маслаҳат сўраб мурожаат қилаётгани бу жараён кучайиб бораётганидан далолатдир.

ХИЗМАТ ШАРОИТИДАН МАМНУНМИЗ

Фотима ИМОМНАЗАРОВА,
Салимсоқов номли қишлоқ

шифокорлик пункти бош шифокори:

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда замонавий ташхис-даволаш ускуналари билан жиҳозланган қишлоқ шифокорлик пунктлари барпо этилмоқда. Бугун бизнинг Кўксарой қишлоғининг ўзида 4 та шундай муассаса, 5 та дорихона ишлаб турибди.

Бизнинг шифо масканимиз тўртта маҳаллада яшовчи 8100 дан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб, санитария-тиббиёт билимларини тарғиб қилиш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хисса қўшаяпти. Шифокорларимиз замонавий тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиб, аввал беморларга аниқ ташхис қўйиб, сўнг муолажа бошлайдилар.

Кундузги даволаш қисмида шифокорлари одамлар саломатлигини тиклаб, беморлар дардига малҳам бўлишяпти. Ҳамшираларимиз ўзларига бириктирилган хонадонларда озодлик, санитария талаблари юзасидан суҳбатлар ўтказиб, одамларнинг тиббий маданияти юксалишига хисса қўшмоқдалар. Бу жараёнларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, она-бола саломатлигини қамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Биз ўз меҳнатимиз билан хонадонларда турмуш маданияти юксалиши, қишлоқларимизнинг саломатлиги яхшиланиб боришига хизмат қилаётганимиз билан фахрланамиз.

«OHANGARONDONMAHSULOT»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Жонажон юртимиз аҳолисини

Истиқлолимизнинг 21 йиллиги

байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

Жонажон Ватанимизнинг разнақи йўлидаги ишларингизга

зафарлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик,

сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилайди.

Айёмингиз муборак бўлсин, азизлар!

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган улкан утуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа муҳим соҳалар қатори таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган умуммиллий дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижалари биринчи навбатда тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражаси авваламбор унинг инсон капиталига, инсон ривожига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари билан ўлчанadi. Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига айна шу масалаларнинг устувор йўналишлар сифатида киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг биринчи кунларидан бошлаб инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият сифатида улуғлаб, бу гоёна давлатимиз Конституциясида ҳуқуқий қоида шаклида мустаҳкамлаб қўйди. Шу асосда ўтган даврда гоёта кенг қўланилган ишлар амалга оширилиб, инсон манфаатларини таъминлаш барча ўзгариш ва ислохларимизнинг бош мақсадига айланди. Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси минбаридан туриб сўзлаган нутқи ва бошқа чиқишларида атрофлича фикр юритилгани, бу борада яқин ва олис истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани жамоатчилигимизга яқин аён, албатта.

Ўз вақтида узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган, изчиллик билан амалга оширилаётган, дунёда ўқшаши кам бўлган умуммиллий дастурларимиз тўғрисида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгалларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди.

Энг муҳими, уларнинг ҳар бири юртимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий

қисми сифатида буюк келажимиз биносини барпо этишда гоёта муҳим роль ўйнамоқда. Бу дастурлар тобора амалий ҳаётимиздаги реал қадриятга, янгича ҳаёт ва дунёқараш негизига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Бугунги кунда бу йўлда қатъият билан олиб борилаётган ишларнинг аниқ натижаларини ҳар бир юрдошимиз ўз ҳаётида ҳис этаётгани, уларнинг онгу тафаккури, маънавий олами ана шундай ўзгаришлар тўғрисида юқалиб бораётгани шундай деб таъкидлашга асос беради.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ва шу йил-

дай эътирофлар географияси кейинги пайтда тобора кенгайиб, улар аниқ илмий-амалий тадқиқотлар, халқаро таҳлил ҳужжатларда ҳам ўз аксини топишмоқда. Бунинг тасдиғини халқаро медиа оламида машҳур бўлган CNN компаниясининг АҚШ, Ўзбекистон ва жаҳоннинг бошқа давлатларида таълимнинг ҳолати тўғрисида яқинда эълон қилинган қиёсий ахбороти мисолида яққол кўриш мумкин. Шуниси эътиборлики, бу ахборот Франциянинг нуфузли "Insead" халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) томонидан тайёрланиб, шу йилнинг 3 июлида

ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар (институтлар; инсон капитали ва тадқиқотлар; инфраструктура; ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши). Иккинчи гуруҳ – инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари (технологиялар ва иктисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш; креатив фаолият натижалари). Якуний индекс харажатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси мамлакатдаги инновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни ҳолис баҳолаш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИ:

ЯНА БИР ЮКСАК ЭЪТИРОФ

нинг февраль ойларида мамлакатимиз пойтахтидаги Симпозиумлар саройида ўтказилган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" ҳамда "Юксак билим ва интеллектуал ривожланишнинг асослари" таълим-тарбия шартини мавзусидаги халқаро конференциялар ҳақида эслаш ўринлидир. Хусусан, юқорида зикр этилган иккинчи бўлиги аниқлашди дунёда 8 та нуфузли халқаро ташкилот ва 48 давлатдан 270 нафар иштирокчи қатнашди. Уларнинг барчаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимининг ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида юртимизда амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, мактабларда, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртиларида бўлиб, Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланиган самарали моделни юксак баҳоладилар, бу борада тўплаган тажрибаларни бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тасвир этиш мумкин, деган хулосага келдилар.

Таъкидлаш керакки, бун-

эълон қилинган "2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекс" деб номлаган таҳлилий маърузага асосланиб.

Айтиш керакки, ушбу тадқиқот дунё мамлакатларининг инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткичини ўз ичига олади. Тадқиқот 2012 йилда 141 та мамлакатни қамраб олди. Бу мамлакатлар жаҳон миқёсида яқин ички маҳсулотнинг 99,4 фоизини ишлаб чиқариши, сайёрамиз аҳолисининг 94,9 фоизи айнаш шу давлатларда истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлса, мазкур тадқиқотнинг қўламини, саломати ва географиясини ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз мумкин.

Маъруза муаллифларининг фикрига кўра, дунё мамлакатлари иктисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қўлай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита bogliq. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс аса қўйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йилгилан умумий баҳолаш асосида ҳисобланади. Биринчи гуруҳ – инновацияларни амалга

Биз учун гоёта қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар бўйича 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа китъа мамлакатлари ушбу бўйичаги кейинги ўринларидан жой олган.

Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 85,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлиши АҚШ 31-ўринни (81,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган.

Соёқ совет худудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритилган бўлса, улар рейтингда қуйдагича жойлашган: Қозғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин.

Тадқиқотга бинаво, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги қўлла

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН



БЕКОБОД БОЛАЛАРИ — ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБЛАРИ

Байрам арафасида қалбларга қувонч бағишлаб, шу ягона ва азиз она Ватанимиз, истиқлолнинг салоҳиятли фарзандлари учун ифтихор уйғотувчи воқеалар кўп бўлди. Шундай хушхабарларнинг бирини олис Болгариянинг Тутракан шаҳридан олдик. Бу ерда "Речные ноты – 2012" халқаро болалар фестивали бўлиб ўтди. Унда Осиё ва Европа қитъаларидаги 12 мамлакатдан 800 дан ортиқ иқтидорли ёш қўшиқчилар биринчилик учун курашишди.

– Мустақил Ўзбекистонини

номидан бу фестивалда корхонамизнинг "Стартин" гуруҳи ижрочилари иштирок этишди, – деб хабар берди "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамияти касаб қўмитаси раиси Илҳом Қурбонов. – Эстрада қўшиқчилиги номинацияси бўйича вакилларимиз юксак ижрочилик маҳоратини намойиш қилишди. Арина Миниханова билан Виктория Половинкина "Ассалому алайкум" дуэтини ижро этиб, фестивалда биринчи ўринни эгаллашди. 10 ёшли бу ижрочиларни бутун Болгария ол-

қишлади.

Эстрада қўшиқчилиги ва замонавий хореография ўқитувчиси Светлана Жирнова бадий раҳбар бўлган "Стартин" эстрада гуруҳи беш йилдан буюн йирик ички ва халқаро кўриқларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Ялта, Санкт-Петербург, Астана ва бошқа шаҳарларда ўтган болалар фестивалларида улар ҳаммаша юқори ўринларни эгаллаб келишган. Гуруҳ репертуаридан дуэтини ижро этиб, фестивалда биринчи ўринни эгаллашди. 10 ёшли бу ижрочиларни бутун Болгария ол-

Ҳақназарова, Инна Ашурова, Отабек Муродов, Максим Теньдан иборат гуруҳ учинчи ўринни эгаллади. Яқнахон қўшиқчи Гулмира Ҳақназарова "Севги шабодаси", "Мамбо италиано" қўшиқларини ижро этиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. У яқна ижрочилик маҳорати бўйича фахрли учинчи ўринга қўтарилди. – Мамлакатимиз ва хорижда ўтказилаётган эстрада қўшиқлари фестивалларида "Стартин" ҳар йили юқори совринли ўринларни эгалламоқда, – деди суҳбат якунида Илҳом Икромович. – Бизнинг Бекобод заминимиз истеъдодларга жуда бой. Тутракан фестивали бундан бир бор тасдиқлади. **Жўра САБДУЛЛАЕВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.



ЎҚУВЧИЛАРГА БЕПУЛ ДАРСЛИК

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим-тарбия сифати ва самардорлигини замон талаблари даражасига қўтариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бундай хайрли ишлар Бўка туманини ҳам четлаб ўтгани йўқ.

Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш учун умумтаълим мактабларимиз "ZiyoNET" ахборот тармоғига уланиб, мактаб "WEB" сайти ишга тушди. Ўқувчи-ёшларимиз учун янги дарслик ва ўқув қўлланмалар муҳим ҳисобланади. 2011-2012 ўқув йилида тумандаги умумтаълим мактабларимиздаги 16978 ўқувчидан 12016 нафари ижара дарсликлар билан таъминланди. Эҳтиёжманд ўқувчиларнинг 3270 нафарига бепул дарслик берилди. 1723 1-синф ўқувчиси учун ўқув қуроллар тўплами ва 11 турдаги дарсликлар бепул етказиб берилди.

Турли фанлар бўйича туманимизда ташкил этилган "Билимлар беллашуви"нинг иккинчи босқичида

биринчи ўринни 3-, иккинчи ўринни 2-, учинчи ўринни 6-умумтаълим мактаблари эгалладилар. Ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш дарс ўтаётган, истеъдодли, ташаббускор педагог кадрларни аниқлаш мақсадида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" анъанавий кўрик-танловини ўтказиб келамиз. 2011-2012 ўқув йилидаги танловда 24-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси М. Мелова ва 6-умумтаълим мактаби география фани ўқитувчиси Г. Икромова ғолибликни қўлга киритишди.

Бундан ташқари, ўқувчи-ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш-

лари, ўз устларида ишлашлари учун умумтаълим мактаблари қошида 20 га яқин турли тўғарақлар ишламоқда. Шунингдек, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳам яхши самара бераётган. Буни Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида билим олаётган 1539 нафар ўқувчи мисолида ҳам кўриш мумкин. Навойида ўтказилган "Умид ниҳоллари – 2012" республика босқичида шу мактабнинг 9-А синф ўқувчиси Шахбоз Хотамов фахрли ўринни қўлга киритди.

Бундай ютуқлар ўзимизники. Келгуси ўқув йилларида хайрли ишлар қўламини янада кенгайтиришни ният қилганмиз. Бу мақсадимизни амалга ошириш йўлида бор куч ва маҳоратимизни ишга солашим.

Ойўжа ХОЛХЎЖАЕВ, Бўка тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири.

«ЁЗ – 2012»

МАВСУМ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бўстонлик тумани "Yoshlik" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Қасаба уюшмалари – болаларга" акцияси доирасида "Ёз – 2012" соғломлаштириш мавсуми якунларига бағишлаб уюштирилган тадбирда қасаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиология назорати маркази, оромгоҳларнинг раҳбар ва ходимлари иштирок этишди.

Болаларни ёзги дам олдириш дастури босқичма-босқич амалга оширилгани, жумладан, маънавий-маърифий ва маданий соҳаларда ўтказилган 100 дан зиёд тадбирлар, таниқли спортчи, санъаткор, ижодкорлар билан учрашувлар, турли спорт мусобақалари ташкиллаштирилгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда эришилган ютуқлар билан бирга айрим оромгоҳларда кўзга ташланган муаммолар ҳақида ҳам гапирилди. Чунки, "Бойчечак" оромгоҳида мебеллар эскилиги, маиший-техник воситаларнинг талаб даражасида эмаслиги, оромгоҳ атрофи тўла ўрганилмагани, маънавият ва маърифат хонаси айтилди. Шу ва бошқа камчиликларни келгуси мавсумга қадар бартараф этиш ҳақида келишиб олинди.

Давра суҳбатининг "Ёз – 2012" соғломлаштириш мавсумида фаол иштирок этган соҳа ва ташкилот ходимларига эсдалик совгалари тортиқ қилинди. **Бахтиёр ШАВКАТОВ.**



ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИМЛИГИНИНГ 21 ЙИМИГИ

БИЛАН САМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ! БАРЧАГА МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ, БАХТ-САОДАТ ТИЛАЙМИЗ.

ЁШЛАРГА ХОС ЖЎШҚИНЛИК, ШИЖОАТ ВА МАТОНАТ ҚАЛБИНГИЗНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!

ИШИ ЎРНАК БЎЛГУЛИК

Ўрта Чирчиқ туманидаги 11-умумтаълим мактабида халқ таълими ходимларининг анъанавий август анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси вакиллари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мутахассислари,

логиялар билан интерактив дарслар ўтишни янада кучайтириш хусусида тўхталдилар. Шунингдек, ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Маърузачиларнинг "Мустақил юрт педагоглари – сифатли таълим сари" каби қатор

маъзулардаги маърузалари тингланди.

Тадбир сўнгига ўз меҳнати, тажриба ва маҳорати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган 110 нафар ўқитувчиларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг совгалари топширилди.

Ирода НОРБОВЕВА.

**Ўзбекистон «МАҲАЛЛА» ҳаёрия жамоат
фонди Тошкент вилояти бўлим бошқаруви**

**Ўзбекистоннинг меҳнатсевар
ва бағри кенг халқини**

**Мустақиллигимизнинг
21 йиллиги**

**билан муборакбод этади.
Барчага баърамона кайфият,
мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва
ишларида катта
муваффақиятлар тилайди.**

АНГРЕН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

**озод ва обод Ўзбекистонимизнинг
энг улуғ, энг азиз баърами – Мустақиллик куни
билан меҳнаткаш халқимизни самимий муборакбод этади!**

**Мамлакатимиз тараққиёти
ўйлидаги изчил фаолиятларида
муваффақиятлар тилайди.
Истиқлолимизнинг ҳар бир
янги куни оилаларимизга хуш
кайфият, тинчлик-тотувлик ҳамда
хотиржамлик олиб келаверсин!**




ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

«ЛОТОС ГОЛД»: МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Кечагина атрофни хира қилиб ётган эски, ташландиқ бино ўрнида бугун шундай муҳташам қўшма корхона савлат тўкиб, баланд пештоқида Ўзбекистон ҳамда Британиянинг миллий байроқлари ҳилпираб туришини ҳеч ким кутмаган бўлса керак.



Бўстонлик тумани Искандар шаҳарчасидаги ушбу эски тайёрлов идораси биносидан одамлар қадами ариб кетганига анча бўлганди. Шу қўшна бинони тубдан таъмирлаб, тўла мослаштириб, аҳолининг кундалиқ рўзғори учун зарур маҳсулот – кир ювиш воситалари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона қуриш фикри туғилди-ю, бу тақлиф туман ҳокимлигига ҳам жуда маъқул тушиб, қўллаб-қувватлаши далда бўлиб қизгин иш бошланди. Мана энди, Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида бу "Лотос Голд" ўзбек-британ қўшма корхонаси бошланишига тўрт хил



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини аяшланиш, замонавий ва сифатли уй-йўллари қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, янги инфратузилмаларни шакллантириш, кишлоқларнинг кийфасини бутунлай янги бир босқичга кўтаришга қаратилган чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

ҚИШЛОҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, кишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада кўтаришга қаратилган йилларни молиялаштириш учун чет эл банклари кредит линиялари ҳам жалб қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси ва Осие Тараққиёт банки ўртасида имзоланган қарз шартномаси ана шундай йирик лойиҳалардан биридир. Унга мувофиқ, 2015 йилнинг якунигача намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуришни молиялаштириш мақсадида Осие Тараққиёт банкidan 500 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит линияси жалб этилди.

"Туркистон пресс".

маҳсулот ишлаб чиқармоқда: TIROL, CLARO, КАЙИН-30Р ҳамда оддий кир ювиш кукуни.

Корхонанинг лойиҳа қуввати кунига 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ҳозирча, 110 киши уч сменада 100 тонна маҳсулот чиқаришяпти. Суръат эҳтиёж ва талабга мувофиқ ҳолда ошиб боради, шу билан бирга турлари ҳам кўпаяди. Шуниси диққатга сазоворки, ишлаётганларнинг 70 фоизи ёшлар, жумладан, 30 фоизи коллежларни шу йил битирган ўқувчилар.

Аслида "Лотос Голд" импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Бу валютани тежаш имконини берарди. Янги корхона бу муҳим мақсадни рўйбга чиқаришдан ташқари маҳсулотининг 40 фоизини ҳозирданок экспорт ҳам қилмоқда. Асосий миждозлар – Қозоғистон, Афғонистон, Туркманистон. Ҳозир корхона вакиллари

Россияда маҳсулот экспорти масаласи юзасидан музокара олиб боришмоқда. Келажақда Россия Федерацияси ушбу қўшма корхонанинг энг йирик буюртмачиларидан бирига айланса ажаб эмас.

– Корхонамизнинг ҳозирданок шу даражага эришишида Британиянинг "НДЛ система" компанияси, хусусан, унинг вакили жаноб Алекс Гофманнинг хизмати катта бўлди, – дейди қўшма корхона раҳбари Улуғбек Қудратов. – Технология тўлалигича Британиядан келтирилди. Шу боис ишлаб чиқариш чиқитсиз, яъни экологик зарарсиз ҳисобланади. Бунда 2012 йил бошида "Ҳамкорбанк"дан олинган 260 миллион сўм кредит ҳам иш берди. 2014 йилгача бу қарздан бемалол узилиш имконига эгамиз.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қўшма корхонанинг истиқболи янада порлок. Ҳозир маҳсулот тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашёлар четдан келтирилатган бўлса, ҳадемай уни ўзимизда етиштириш йўлга қўйилади. Айни пайтда "Лотос Голд" раҳбарлари шундай имкониятларни излаб топиш билан жиддий шуғулланишмоқда. Бунга эришилгач, яъни 2013 йилнинг бошларига бориб, маҳсулот турлари янада кўпаяди. Болалар ва катталар учун атир совунлар, турли хил шампунь, қозон ва идиш-товоқ ювиш учун ишлатиладиган воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Энг муҳими, яна 140-150 маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари очилади.

Даврон АХМАД олган суратлар.

БЕШҚЎЛДА БЕШ ДАҚИҚА

"Тошкент – Қўқон – Ўш – Қашқар" йўлининг 143-чакримида оҳангаронлик тадбиркор Ҳабиба Менглиеванинг "Эртошсойсервис" хусусий корхонаси "Довон" савдо растасини қуриб, фойдаланишга топширди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон миллий автомагистралли бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мазкур йўл бўйлаб замонавий хизмат шаҳобчалари ташкил этилмоқда. Сўнгги икки-уч йил оралиғида Камчиқ домини орқали ўтувчи йўл бўйлаб "Оҳангарон метангаз", "Пегас петролиум газ" автомобилларга газ қуйиш шаҳобчалари ишга туширилди. Автомобиль йўлининг 136-километрида хусусий тадбиркор Аъзам Бойдуллаевга қарашли "Мухаммад Зоҳид Пулатон хожи" хусусий корхонасининг автомобилларга техник

хизмат кўрсатиш шаҳобчаси, санитария-гигиена узели ва савдо растаси ишлаб турибди.

Умуман, автотрассанинг Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтувчи 116-145-километрларида 9 турдаги сервис хизмати объектларини 2011-2015 йилларда қуриб битказиш режалаштирилган. "Эртошсойсервис" хусусий корхонаси раҳбари Ҳабиба Менглиева доvon йўлида барпо этган мазкур савдо растаси ҳам шу режадаги замонавий иншоотлардан биридир.

– Савдо растамиз ўттиз ўринга мўлжалланган бўлиб, барча шaroитлар яратилган, – дейди "Эртошсойсервис" хусусий корхонаси вакили Бахтиёр Жума-

нов. – Растамиз қаторида тамаддиҳона, суратхона, санитария узели, алоқа хизмати ҳамда компьютер хонаси ишлаб турибди. Ҳадемай, бу ерда автомобилларга техник хизмат кўрсатадиган шаҳобчамиз ҳам иш бошлайди.

Савдо растасида беш дақиқага тўхтаган ҳайдовчи ва йўловчилар қишлоқлардан чиққан турли мевалардан, тоғ гиёҳларидан тайёрланган шарбатлару ширинликлардан харид қилади, бир пиёла чой ичиб, хордиқ чиқариш баҳонасида табиатнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади.

Бахтиёр Жуманов тоғ йиғити. Унинг отаси узоқ йиллар доvon йўлидаги ошхонада ишлаб, пенсияга чиққан. Ҳамро ота кўпдан бери автомагистраль бўйидаги Бешқўл қишлоғида чойхона қуриш ниятида

юрган эди. Довон йўли инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди, ишлар юришиб кетди. У фарзандларига бош бўлди. Киска муддатда шу замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриб битказилди.

– Самарқанду Бухорони зиёрат қилиб қайтпмиз. Камчиқ доvon йўлимизани яқин қилди. Бу жойлардан илгарилари жон ховуллаб ўтардик. Ҳозир йўллар текис, кенг, ҳамма жойда ошхона, бозор. Бундай шароитларни яратиб бераётган ҳукуматимизга, элга қайишаётган тадбиркорларимизга раҳмат, – дейди Бешқўлдаги савдо растасида фарзандлари ҳамроҳлигида бир дамга тўхтаб ўтган андижонлик саксон ёшли Робия момо Ҳасанова.

Мамасодиқ МАМАДАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси

бунёдкор халқимизни

шукуҳли сана — мамлакатимиз

Мустақиллигининг 21 йиллик

байрами билан табриклайди.

Истиқлол йиллари юртимиз ҳудуди,

узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз

улкан қурилиш ва янгиланиш майдонига айланди.

Қад ростлаган ва тикланаётган кўркем бино

ҳамда муҳташам иншоотлар давлатимиз

қудрати ва салоҳиятидан сўзлаб турибди.

Азизлар! Эришаётган ютуқларимиз,

муваффақиятларимиз бунданда юксалаверсин!

Бунёдкорлик, яратувчилик

ишларингизда омад ёр бўлаверсин!



«ВЕКТЕМІR SPIRIT»

акциядорлик жамияти жамоаси

ЎЗБЕКИСТОН ХААҚИНИ

ЭНГ ҲАҲҒ ВА ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ —

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 21 ЙИЛЛИГИ

БИЛАН ЧИН ДИЛАДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК, ОИЛАЛАРГА

ТОТУВАЛИК ДОИМО

ҲАМРОҲ БЎЛИШНИ ТИЛАЙМИЗ.

БАТАН ЎЗРА ОЗОДАЛИК ВА

ҲУРАЛИК ҚЎШИ МАНГУ ПОРААСИН!

МУҚАДДАС ЮРТИМИЗ ШУҲРАТИ

ЯНАДА ЗИЁДА БЎАСИН!

21 йил



Байрамингиз муборак!

ТЕХНОЛОГИЯ ДАСТУРЛАРИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Бекобод шаҳридаги "Алишербек Файз" хусусий савдо корхонаси нон ва нон маҳсулотларини шаҳар аҳолисига пешма-пеш etkazмоқда.

Хусусий тадбиркор Ҳасан Назаровнинг 35 йиллик тажрибаси корхона фаолиятини кенгайтириб, замон талабига монанд ривожлантиришда қўл келмоқда.

Шу йил бошида Россиядан "Моссин-Ротир" русумли 101 та дастурда нон ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги технология келтириб, ишга туширилди. Ҳозирги кунда унинг 20 та дастури ўзлаштирилиб, шу асосда қолипни нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

– Бир кеча-кундузда аҳолига 7 минг дона маҳсулот etkazиб берилмоқда, – дейди Ҳасан Назаров. – Маҳсулотни сотиш юзасидан шаҳар-

даги 20 дан ортиқ озиқ-овқат дўконлари билан шартнома тузганмиз. Бундан ташқари, корхона тасарруфидидаги савдо дўкони ҳам аҳолига хизмат қилмоқда.

Айни кунда корхонада 10 дан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Улар учун барча шарт-шaroитлар яратилган. Янги технологиянинг қолган дастурлари ҳам ўзлаштирилса, иш ўринлари яна кенгайди.

Равшан НЕЪМАТОВ.

СУРАТДА: тадбиркор Ҳасан Назаров ва оператор Гулноза Аҳмедова.

Даврон АХМАД олган сурат.



МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАР МУНОСИЪ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида XXX ёзи Олимпия ўйинларининг ғолиби ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари, спортчилар, мураббийлар, журналистлар йиғилди.

Тадбирда спортчиларимизнинг Лондон Олимпиадасидаги иштироки ва эришган муваффақиятлари Президентимиз Исрол Каримов томонидан спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор ва ғамхўрлик самараси экани таъкидланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида барпо этилган замонавий спорт иншоотларида, умумийлик ҳаракатга айланган мусобақаларда тобланган ёшларимиз бугун энг нуфузли халқаро турнирларда, китъа ва жаҳон чемпионатларида юксак натижаларни кўлга киритмоқда.

XXX ёзи Олимпия ўйинларида ҳам спортчиларимиз ўз маҳорати ва салоҳиятини намойён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтadиган XXX ёзи Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида" ги қарорига биноан спортчиларимизга барча зарур шарт-шароит

яратилди. Бунинг натижасида 53 нафар олимпиячимиз мундиат саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб, спортнинг ўн беш тури бўйича Олимпия ўйинларига йўлланма олди.

Бу Лондондаги асосий беллашуларда ҳам ўз самарасини берди. Жумладан, эркин курашчимиз Артур Таймазов бу гал ҳам бош совринини кўлга киритиб, уч карра Олимпия чемпиони, дега юксак номга сазовор бўлди.

Дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собиров, бокс бўйича икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев ва эркин кураш бўйича Пекин Олимпиадаси қумуш медали совриндори Сослан Тигиев Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига биттадан бронза медаль қўшди.

Лондон Олимпиадасида Ўзбекистон номи, давлатимиз мадҳияси баралла янграшига ўз ҳиссани қўшиб, Президентимиз Исрол Каримовга берган ваъданинг устидан чиққанидан хурсандман, — деди эркин кураш бўйича уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазов. — Биз, спортчилар эришган муваффақиятлар — бутун халқимизнинг ютуғи. Камтарона меҳнатини миллий давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлагани учун Президентимиз



дан беҳад миннатдоримиз. — Олимпиада ўйинлари шохсупасига кўтарилишни болалигимдан орзу қилар эдим, — деди Аббос Атоев. — Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган улкан эътибор туфайли орзуларим ушaldi. Давлатимиз раҳбарининг фармонида мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланганим, айниқас, бу унвонни Президентимиз топширгани мени янада мамнун этди.

— Президентимиз Олимпиада ғолибларига юртимизнинг юксак унвонларини топширгани, янги зафарлар тилагани бизга катта қўл-ғайрат бағишлади, — деди Ришод Собиров. — 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига янада масъулият билан тайёргарлик кўраимиз. Олтин медалини кўлга киритиб, давлатимиз раҳбарининг юксак ишончини оқлаймиз.

Уч карра Олимпия чемпиони Артур Таймазовга "Ма-либу", Лондон Олимпиадаси бронза медаллари совриндорлари — Аббос Атоев, Ришод Собиров, Сослан Тигиевга "Ласетти" автомобиллари ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Анвар САМАДОВ,
УзА мухбири.

Истиқлолимизнинг 21 йиллик байрами олдидан пойтахтимизда "Бунёдор" стадиони барпо этилди. Шунингдек, ушбу футбол мажмуасида истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида болалар ва ўсмирлар футбол мактаби қурилди. Ушбу мактаб келажакда халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир, иқтидорли ва истиқболли футболчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган.



ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС СТАДИОН

Бу ерда ўқувчиларнинг пухта билим олиши, ўз иқтидор ва маҳоратини ошириши учун барча шароитлар яратилган.

Мазкур мактаб ўқувчилари бошланғич, тайёров, тақомиллашув каби уч босқичда таҳсил олади. Болаларга тажрибали, профессионал мураббийлар таълим беради. Мактабдаги сузиш ҳавассини сувга тўлдириш, иситиш, фильтрлаш, тўкиш тизимлари тўлиқ автоматлашган, замонавий юқори технологик ускуналар билан таъминланган.

Бу ерда тиббий бўлим ҳам мавжуд.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган "Бунёдор" стадиони диёримиз бўйлаб изчил давом этаётган бунёдорлик ишларининг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

34 минг ўринли стадион трибуналарида томошабинлар учун мўлжалланган ўринлар пастки ва юқориги қаватларга бўлинган. Шунингдек, бу ерда ногиронлар учун мўлжалланган алоҳида сектор мавжуд.

"Бунёдор" стадионида спортчилар ва мух-

лислар учун яратилган шароит ва қўлайликлар энг замонавий талабларга жавоб беради. Хусусан, биринчи қаватда спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурулари учун мўлжалланган хоналар, ошхоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи мавжуд. Стадионнинг иккинчи қаватида учта ресторан, фитнес маркази барпо этилган.

"Бунёдор" стадионининг муҳандислик таъминотида алоҳида эътибор билан ёндашилган. 11х7,5 метр ўлчамлиги

иккита видео-табло муҳлисларга футбол учрашувини ҳар томонлама кўриш имкониятини беради. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерда ташриф буюрган муҳлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун футбол майдонини четидан видеоорт мосламалари ўрнатилган. Мусобақаларни тўғридан-тўғри эфирга узатувчи теле ва радиотрансляция тизими,

шарҳловчилар хонаси халқаро стандартлар даражасида.

Мустақиллигимиз берган имкониятларнинг ҳаётимиздаги ифодаси бўлган бундай кенг миқёсдаги қурилиш ишлари, спортни ривожлантириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган бу каби иншоотлар баркамол авлодни тарбиялаш, эл-юртимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмиш баробарида халқимиз буюк бунёдорлик салоҳиятининг ҳам яққол намоёишидир.

МАТБУОТ АНЖУМАНЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭКОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш ва қайта ишлаш соҳасида давлат назоратини олиб борувчи ташкилотлар ҳамкорлигида "Мустақиллик ва Экология" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда республика Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоят давлат санитария ва эпидемиология маркази, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Олмалиқ ва Бекобод металлургия комбинатлари, "ЖЕНЕРАЛ МОТОРС" қўшма корхонаси вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан мустақиллиkning дастлабки кунлариданоқ аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо қилишга қаратилган қонунчилик базаси яратилганлиги, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ҳам қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, ушбу йўналишда давлат аҳамиятига эга бўлган ўта муҳим соҳалар қаторидан жой олгани алоҳида қайд этилди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида экология масалалари билан шуғулланувчи 15 нафар депутатлик ўрни яратилганидан сўнг, табиатга, она заминга бўлган муносабат тубдан

ўзгаргани таъкидланди. Чунончи, ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага чиқарилиши 1989 йилга нисбатан 2,1 баравар, ифлосланган оқва сувлар ташланиши 2 баравар, пестицидлардан фойдаланиш эса 2007 йилга нисбатан 4 баравар қисқарди. Чикиндиларни қайта ишловчи хусусий тадбиркорлик ривожланмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ 331 та йирик саноат корхонасида табиати муҳофаза қилиш йўналишида 1034 дан зиёд тадбирлар ишлаб чиқилиб, ижроси учун 53 миллиард сўм сарфланган.

"Мустақиллик ва Экология" мавзусидаги матбуот анжумани вилоятнинг ҳар бир ҳудудидан ўтказиш кўзда тутилгани айтиб ўтилди.



«БУНЁДКОР» ТАЛАБА-ЁШЛАР ОТРЯДИ ҲАРАКАТДА



Республика Президентининг "Қишлоқ жойларида уй-жой қуриш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2012 йилда вилоят туманларидаги 24 та массивларда намунали уй-жойлар қуриш белгиланган.

Қурилишга маҳаллалардаги уюшмаган аҳоли, айниқас, ишсиз ёшларни жалб қилиш мақсадида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Бунёдор" ёшлар меҳнат отрядларини ташкил этиб, ишловчиларнинг аниқ рўйхатини тузди. Шунингдек, отряд аъзоларини иш ҳақи билан таъминлаш чоралари қўрилди.

"Бунёдор" отрядларининг уюшмаган аҳоли ёшларидан иборат аъзолари вилоят бўйича 252 нафарга этди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ДИЛДАН СУҲБАТ

ШУ КУНЛАРНИ КЎРГАНИМИЗГА ШУҚР

Кунлардан бир куни яқин дугонанинг уйига меҳмондорчиликка бормоқчи бўлдим. У билан бирга бўлганимиз. Шунинг учун бўлса керак уни таътил пайтида ҳам кўргим келди.

Огоҳлантирмасдан боришга қарор қилдим, чунки уни кутилмаган учрашувдан боши осмонга етишини билардим. Дугонанинг уйига кириб борганимда мени ёши саксонларда, лекин кўринишидан ҳали бақувват отахон кўтиб олди. Тахминан тўғри чиқди. Бу ғайратли инсон дугонанинг босси эди. Дугонам босси ҳақида жуда кўп гапирарди. Ойиларининг мустаҳкам бўлишида, ҳатто дугонанинг ўқишига ҳам шу инсон сабабчилигини эшитгандим. Шунинг учун отахон билан бир оз суҳбатлашгим келди. У кўпгина машаққатларни енгган, оила-рўзгор ташвиши деб хануз тинчимайдиган одам бўлиб қолди. Гап-сўзлари маъноли, дадил. Қандай касб билан шуғулланганларини сўрадим. "Эллик йил шу туманда инженерлик қилганман, — деб гап бошлади отахон. — Даврларда замон ҳам, муҳит ҳам бошқача эди. Бошингда бир оила ташвиши эмас, замон ташвиши ҳам бор эди. Борлигини ҳам, йўқлигини ҳам кўролмайдиганлар тирикчилик қилишга қўймади. Шундай бўлса ҳам кампирим билан 7 болани оқ ювиб, оқ тараки, уйли-жойли қилдик.

Аёлимдан хануз миннатдорман. Охирати обод бўлгун жуда камтар, камсуқум аёл эди. Фарзандлари учун нене кийинчиликларга чидаган. Бизлар яшаган давр жуда тахликали, рўзгор тебратиш нафақат аёл, эркакка ҳам оғир эди. Сизлар ҳозир жуда яхши шароитларда, тинч ва хотиржам замонда яшайсизлар. Кичик бир ютуқларингиз ҳам катта-ката мукофотлар билан тақдирландилар. Сизларга яратилган имкониятларни қўлиб яна ёш йигит бўлгим келди. Шунинг учун ният қилганман, ҳамма набираларимни ўқитиб, олим қилман деб. Кампиримнинг бирдан-бир орзуси ҳам шу эди. Раҳматли шундай яхши кунларни кўра олмади, лекин биз етиб келганимизга шўқр қиламиз. Куни кеча маҳаллада қоллар билан ўтирилиб, Мустақкам оила йили тўғрисида гаплашиб қолдик. Қишлоқ ахлининг турмуш тарзига эътибор бериб, бир оз ранжиган ҳам бўлдик. Билсанг, болам, айрим ёшлар енгил ҳаётга ўрганиб қолган. Улар учун оила деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдек туюлади, менга. Ота-она умид билан фарзанд ўстиради, камолга ет-

казади ва уйли-жойли қилади. Оқил фарзанд эса буларга жавобан, ўз оиласини, рўзгорини бутлайди, пайти келиб, ота-онаси қариган чоғида уларга ғам-хўрлик қилади. Лекин баъзи фарзандлар аксинча, янги бунёд этилган оиласини бузиб, норасида гўдакларни тирик етим қилиб, ота-онасининг юзини ерга қаратиб, эл-юрт олдида уларнинг обрўсини тўқади. Агар улар ҳам биздек, кийинчилик кўрганларидан, мустақиллик ва тинчликнинг, эл-юрт фаровонлигининг қадрига етардилар" деб суҳбатда яқун ясадилар.

Меҳмондорчиликдан қайтар эканман, навбат кутиб ётган ишларимни эслаб, бироз уялдим. Сабаби ёши бир жойга бориб қолган отахон ҳали ҳаёт ташвишлари билан нарча-майдилар, улкан орзулари бор. Биз-чи? Нималарга эришяпмиз? Нималарни йўқотяпмиз? Ҳар бир дақиқаси олтиндан қиммат вақтимиздан қанчалик унумли фойдаланяпмиз? Ўзингизга шундай савол бериб қўринг? Менимча, сизнинг ҳам бу хусусда ўз фикрларингиз бор. Зеро, бизни тўғри йўлга бошловчи кексаларимиздан ўрнат олиб, уларнинг изларидан борсак, муваффақиятга эришамиз. Шундай пири бадавлат отахонларимиз борлигига шўқр.

Гулноза СИДИҚОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида 2012-2013 ўқув йилини муваффақиятли бошлаш учун яратилган шарт-шароитлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Миллий матбуот марказида матбуот анжумани ўтказди.

Тадбирда вазирлик масъул ҳодимлари, олий таълим муассасалари ректор ва проректорлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Анжуманда таъкидландики, республика Президентининг таълим соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ 2011-2016 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурда олий таълим муассасаларининг

моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш чора-тадбирлари белгиланган.

Дастурни амалга ошириш давомида олий таълим муассасаларида 190 та ўқув-лаборатория бинолари, талабалар турархоналари ва спорт иншоотларини замонавий тарзда қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш кўзда тутилган.

Юлдузхон МУХИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Қўйрай тумани СИБ томонидан қўйилган мулклар тақридан қўйилмоқда: 1. 01.02.2012 й. № 1087/11-сонли ижро ҳужжатида асосан "Вафли ва макарон ишлаб чиқариш ускунаси". Бошланғич баҳоси — 555 854 697,2 сўм. Қўйрай нон ишлаб чиқариш ШКда сақланмоқда. 2. 26.04.2012 й. № 5780/11-сонли ижро ҳужжатида асосан 1997 й. й/ч. "Тикко", д/р. 10 X 624 BA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 697 630 сўм. 3. 26.04.2012 й. № 5782/11-сонли ижро ҳужжатида асосан 1993 й. й/ч. "Доган", д/р. 01 K 336 EA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 813 200 сўм. 4. 25.04.2011 й. № 2822/11-сонли ижро ҳужжатида асосан "Ваз 2101", д/р. 30 S 6317 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 066 423 сўм. Аргин Савдо УҚда сақланмоқда. 5. Олмазор тумани СИБ томонидан тақридан 12.06.2012 й. № 19628/17-сонли ижро ҳужжатида асосан 1979 й. й/ч. "Ваз 2103", д/р. 30 E 5742 автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 592 680,72 сўм. Себзор ҳарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 17 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 6. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 08.08.2011 й. № 2-113-11-сонли ижро ҳужжатида асосан 2010 й. й/ч. "Ласетти", д/р. 10 746 OAA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 28 535 000 сўм. Юқори Чирчиқ тумани ИИБ ЙХБнинг ҳарима майдончасида сақланмоқда. Қўйрай тумани СИБ томонидан: 7. 10.07.2012 й. № 10889/11-сонли ижро ҳужжатида асосан 2008 й. й/ч. "Нексия", д/р. 10 X 023 AA автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 25 153 885 сўм. 8. 16.09.2008 й. № 8590-сонли ижро ҳужжатида асосан 2007 й. й/ч. "Прицеп 2 ПТС-4", д/р. 34-01 EP автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 160 000 сўм. 9. 16.09.2008 й. № 8590-сонли ижро ҳужжатида асосан 2006 й. й/ч. "Трактор BT-150", д/р. 10-40 EK автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 34 614 000 сўм. 10. 16.09.2008 й. № 8590-сонли ижро ҳужжатида асосан 2007 й. й/ч. "Беларус 1023 МТЗ", д/р. 17-01 EK автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 43 801 000 сўм. Аргин Савдо УҚда сақланмоқда. Қўйрай Чирчиқ тумани СИБ томонидан 24.06.2010 й. № 8700, 8701, 8702, 8703-сонли ижро ҳужжатида асосан: 11. 2002 й. й/ч. "Мидибус 24,9", д/р. 11 AJ 905

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Такрорий аукцион савдосига Тошкент вилоят Жиноят ишлари бўйича судининг 08.11.2011 й.даги қишлоқ варақасига асосан, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган, бошланғич нархи — 481 668 921 сўм бўлган, "Аркони Зафар" МЧЖга тегишли, Шайхонтоҳур тумани Жарарик қўчасида жойлашган, умумий майдони 453 кв.м., 2 қаватли ва ертўладан иборат, умумий хоналари сони 10 та, умумий йўлақлар сони 2 та, 1 та ёрдамчи хона, 1 та ҳожатхона, 1 та ошхонаси мавжуд бўлган бино кўчмас мулк қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 14 сентябрь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотeka банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000104887305002, МФО 00425, ИИН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Буюк Илпак йўли қўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосида савдоси ўтказилишига расмий бир иш кун қолганда соат 18.00 да тўхтаилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

КЎРГАЗМА

АСАРЛАР МУЛОҲАЗАГА
УНДАЙДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишлаб Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида "Мустақам оила йили" мавзусида санъат усталари асарлари кўргазмаси очилди.

Экспозициядан таниқли ва ёш санъат усталарининг, ижодкор сулолаларнинг — тасвирий санъат билан оилавий шуғулланган расомларнинг реал метафорик образлар ва турли стилистик услублар орқали баён этилган ранг-тасвир, графика, кичик ҳажмдаги ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати асарлари ўрин олган. Оилавий ҳаётнинг турли кўринишлари акс этган болалик, кексалик, хотин-қизлар сиймолари, қадриятларимизни эслатувчи маҳалла ва тураржойлар тасвири кишини мулоҳазага қорлайди. Улкамиз табиатининг гўзал манзаралари гоёат завқлантиради. Биз учун танишдек туялган манзараларга, борлиқ гўзаллигига ижодкор расомлар қалб қўзи орқали ҳайрат билан боқамиз.

Кўргазмадан жой олган "Хумсон безаклари" (расом Ф. Аҳмадалиев), "Ҳожикентда олтин куз" (Н. Латипова), "Оқтошда баҳор" (Д. Имомов), "Чирчик дарёси", "Тонг. Бўстонлик тумани" (Мирсоатовлар сулоласи), "Куз. Чорвоқ" (В. Трошина), "Чимганда баҳор" (И. Енин), "Сўқоқ" (Б. Бобоев), "Паркент ҳовлиси" (Д. Мамедова) ва яна кўплаб асарлар санъат илҳомларини бефарқ қолдирмайди.

Кўргазма 16 сентябрга қадар давом этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ТАНЛОВ

ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови жараёнида она юртва муҳаббат руҳи билан йўрилган юксак савиядаги кўшиқлар яратилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокорпорацияси ҳамкорлигида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шiori остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини равнақ топтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгил мулкига айланувчи юксак савияли кўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига ало-

ҳида эътибор қаратилмоқда. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови янгидан янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Жорий йилда танловнинг республика босқичида 26 нафар хонанда ва 6 жамоа иштирок этди. Танловда асарларнинг бадий матни, мусиқасининг ўзига хослиги, ижтимоий аҳамияти, хонандаларнинг маҳоратида алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов

сўзи, Шавкат Мирзаев мусиқаси билан ижро этилувчи "Зафар таронаси" кўшиғи учун Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевага берилди.

Иккинчи ўринга Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеъри, Рустам Абдуллаев мусиқаси билан Ўзбекистон халқ артисти Муассар Раззоқова ижросидаги "Менинг Ватаним" кўшиғи ҳамда Гулистон Давлатова шеъри, Насиматдин Муҳаммадиев мусиқаси билан Нукус шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими қoшидаги "Квартет" гуруҳи ижросидаги "Она ер" кўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов сўзи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Илхом Иброҳимов ижросидаги "Бир диёр бор!" кўшиғи ҳамда Яхшигул Хидирова сўзи, Насиба Сатторова мусиқаси билан хонанда Севара Жўраева ижросида айтулувчи "Ватанимсан" кўшиғи учун берилди.

Ў.А.

XXI ва
аср дунёМУЗТОҒДАН «ДИПЛОМАТИЯ
ПОЧТАСИ» ТОПИЛДИ

Боссон музигида бундан 46 йил бурун босилган газеталар ҳамда ҳинд дипломатия почтаси солинган халта топилгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Халтани топган кутқарувчи Арно Кристман шундай ҳикоя қилади: "Қандайдир сайёҳлар ёнимизга келиб, "Боссон музигида галати ялтироқ нарсани кўришганини айтишди. Қўшним Жюле Бергер билан бориб қарасак, "Дипломатия почтаси" ҳамда "Ташқи ишлар вазирлиги" сўзлари ёзилган халта экан".

Кутқарувчи хат-хабар ва 1966 йилда чиққан газеталар солинган халтадан ташқари самолёт кабинаси қолдиқлари ва пойабзаллар ҳам топилган. Le Dauphine нашрининг аниқлик қиритишича, сайёҳлар ўзлари кўрган "галати ялтироқ нарсани"ни Хиндистоннинг 1950 йилда Монбланда ҳалокатга учраган "Принцесса Малабар" самолётининг қолдиқлари деб ўйлашган экан.

Кристман топилгани музлик бўсағасида жойлашган Шамони шаҳри полиция маҳкамасига топширди. Энди уни нима қилишлари ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Хиндистоннинг Париждаги элчихонаси бу воқеадан



хали беҳабар эканини билдириб, топилгани ўз ихтиёрига олишга ҳаракат қилишини айтди.

Халта топилган жойда 1966 йил 24 январда "Бонинг-707" самолёти ҳалокатга учраган. Мумбай — Нью-Йорк йўналишида парвоз қилган бу самолёт бортида 117 киши бўлиб, ҳаммалари ҳалок бўлишган. Худди шу ердан альпинист Даниэл Рош ҳам 2008 йилда 1966 йил 23 августда чиққан хинд газеталарини топган.

УЛОФ ПАЛЬМЕНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Tetra Pak империяси меросхўри ва миллиардери Ханс Кристьян Раузингнинг хотини Ева Раузинг ўз ўлимидан бир йил илгари Швециянинг 1986 йили отиб ўлдирилган бош вазирни қотилини билишини айтган эди.

Швед наشري The Localнинг маълум қилишича, 2012 йилда Ева Раузингнинг жасади ўз уйдан топилди. Меросхўрининг хотини 2011 йилнинг июнида Пальменинг ўлимига боғлиқ ишни ўрганаётган швед журналисти Гуннар Валлгас электрон почта орқали юборган хатда эри бу қотиллик ортида ким турганини айтиб бергани, қотиллик қуроли қаерга берилганини билишини, у тadbirkor эканини, бош вазир олиб бораётган сиёсат унинг бизнесини барбод қилиши мумкинлиги учун уни ўлдирганини баён этганди.

Оммавий ахборот воситалари қотилнинг исми-шарифини ошкор қилмапти. Ева Раузинг журналистга йўллаган сўнгги мактубларидан биридан ундан "мабодо мен ўлиб қолсам, шундан сўнггина бу қотилликни

деб олишинг мумкин" деб илтимос қилган эди.

Еванинг журналист билан ёзишмалари Швеция судига топширилди. The Guardian газетасининг ёзишича, Швеция терговчилари Еванинг эрини гувоҳ сифатида сўроқ қилишмоқчи. У хотинининг Пальме ўлими ҳақидаги ҳолатларни қаер-

дан билиши ҳақида гапириб бериши мумкин.

Ева ҳам, унинг эри ҳам — гиёҳванд. Еванинг жасадини текширган экспертлар бир йўла кўп гиёҳванд модда истеъмол қилгани сабабли ўлганини айтишди. Ҳозир унинг эри Ханс ҳам даволанаёпти. Хотинининг ўлимининг 57 кун давомида яшириб келгани учун суд уни ўн ойга қамоқ жазосига ҳукм қилганди. Аммо, унинг ижроси вақтинча кечиктирилди.

ЭКВАДОР ҚОЧОҚ
МИЛИЦИОНЕРНИ
ҚАЙТАРИБ
БЕРМОҚЧИ ЭМАС

"Би-Би-Сининг рус хизмати" тарқатган хабарда маълум қилинишича, Эквадордаги суа ўз ватанида таъмагирликда айбланаётган милиционер Александр Баранковни экстрадиция қилиш тўғрисидаги Беларусь талабини яна рад этди.

Суд Баранковга сиёсий бошпана бериш ҳақида илгари қабул қилинган қарорни ўз қучида қолдирди. Бир неча йил аввал Беларусь милициясида ишлаган Баранков устидан жиноий иш қўзғатилган эди. Тергов маълумотларига қараганда, у ва ҳамкасб шериклари тadbirkorлар устидан маълумотлар тўплаб, кейин улардан маблағ талаб қилишган. Ҳамкасби қамалиб, Баранков эса Беларусини тарк этганди. Ўзи эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳокимиятнинг олий табақасидаги суиистеъмолликларни очиб ташлаганим учун таъқибга учрадим дедим.

"Эквадор Сегодн"нинг маълум қилишича, Баранков Беларусь паспортини йўқ қилиб, Андрей Енакий номига "жаҳон фуқароси" паспортини интернет орқали сотиб олди. Эквадор унга сиёсий бошпана берди. Беларусь 2011 йилда Эквадорга экстрадиция масаласида мурожаат қилиб, суддан рад жавобини олди.

"Коммерсант"нинг ёзишича, Баранков президент даврасидагиларни, шунингдек, Лукашенконинг қариндошларини коррупцияда айблаган.

Интернет ва ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.

ДАВОМАТ УЧУН
ЖАВОБГАРЛАР

"Дарс қолдириш ишсизликка, ёшлар орасида жиноятлар содир этишга қўйилган илк қадамдир, — дейди Урсула фон дер Ляйен. — Бундан буён мактаб, полиция, ижтимоий хизматлар ва оила ҳамкорлигини янада кучайтириш, болалар тарбияси билан ҳар томонлама шуғулланиши, уларни доимий назорат қилиб бориши лозим".

Германия ўқитувчилар иттифоқининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги 11,4 миллион ўқувчининг икки юз мингдан зиёди мунтазам равишда бесабаб дарс қолдиради. Янги лойиҳа эса ушбу ҳолатни яхшилашга хизмат қилади.



РАССОМ ХАНДАСИ



Спортивный клуб в форме ООО "TAEKWONDO TOSHKENT" Мирзо Улугбекского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с суммы 183.213.736 (сто восемьдесят три миллиона двести тринадцать тысяч семьсот тридцать шесть) сумов 15 тийин на 2.895.000 (два миллиона восемьсот девяносто сто пять тысяч) сумов.

Тошкент вилояти Адлия бoшкармаси томонидан 2006 йил 6 февралда 71-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ADVENT EURASIA" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонаси (ИНН 206050618) ТУГАТИЛАДИ (ассос: 2012 йил 8 августдаги 11-1227/9519-сонли Тошкент вилоят хўжалик суди қарори).

Давволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

"MIR STEKLA DEENRUM" масъулияти чекланган жамияти "GLASS MONTAGE PRODUCT" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади.

Юнусобод тумани 70-ўрта мактаб томонидан 1986 йилда Назарова Гузаль Рашидовна номига берилган № 990106 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный диплом В № 112601, выданный в 1988 году СПТУ № 17 г. Ташкента на имя Назаровой Гузаль Рашидовны, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти (сoбик Сам-ПИ) томонидан 1979 йилда Ходжаева Адиба Махмудовна номига берилган ЕВ № 241450 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзиялими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бoшкармасида 2011 йил 12
январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терийли ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҚМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-942.

Адади 7050.

Ҳажми — 4 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.